

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий  
минтақавий филиали бошлиғи

Ф.А.Қосимов

« 20 » *декабрь* 2021 йил  
м.у



## “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиали

Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиали маъмурий биносини фасад қисмида ҳамда 1,2,3-қавқатларида мукаммал таъмирлаш ва қўшимча равишда ошхона биносини қуриш билан боғлиқ бўлган лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Навоий-2021

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби шунингдек Банк бошқарувининг 2020 йил 03 декабрдаги 129-сонли қарори билан тасдиқланган низом асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Навоий шаҳар Меъморлар кучаси 7-уйда жойлашган филиали маъмурий биносини фасад қисмида ҳамда 1,2,3-қавқатларида мукамал таъмирлаш ва қўшимча равишда ошхона биносини қуриш билан боғлиқ бўлган лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов ўтказиш

1.2. Бажариладиган иш ва курсатиладиган хизматлар нархи 400.0 млн сумдан (ҚҚС билан) юқори булмаган қийматда таклиф этиш талаб этилади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Лойиҳа смета ҳужжатларини амалдаги қурилиш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқиш ва янгилаш, лойиҳа смета ҳужжатларини барча тегишли органлар билан тасдиқлаш, экспертиза органларида ҳимоя қилиш, дала назоратини амалга ошириш, объектни тугалланган реконструкцияни қабул қилишда иштирок этиш.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Шартномага асосан ғолиб ташкилотнинг ҳисоб рақамига бошланғич аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришилади.

1.5 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 иш куни этиб белгиланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиали, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 210100, Ўзбекистон, Навоий вилояи Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 7-уй.

Эл.адрес: info00207@uzpsb.uz, kredit00207@uzpsb.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Навоий минтақавий филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, махсус литцензияга эга, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг тегишли лицензияларига эга бўлиши;
- Умумий дизайн учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, компьютер, ҳисоблаш ва ўлчаш ускуналари, кўп функцияли принтерлар мавжудлиги;
- Камида 5 кишидан иборат малакали муҳандислик-техник ходимларнинг мавжудлиги (бош лойиҳа муҳандиси, архитектор, муҳандис конструктор, ҳаражатлар сметачиси, муҳандис (тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади));
- Сохага доир иш тажрибага эга бўлиши, сўнги уч йил давомида бош дизайнер ёки суб-дизайнер сифатида шунга ўхшаш дизайндаги тажриба. (тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади);

Танловда иштирок этиш учун иштирокчининг қарздорликлари йўқлиги тўғрисидаги маълумот, устав, тасисчилари ва баланс маълумотлари, молиявий натижа тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим қилиши лозим. (Тақдим қилинадиган ҳужжатларни ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда электрон (PDF) кўринишида бириктирилиши таъминлаш талаб этилди. Бириктирилган ҳужжатлари тўғрилиги бўйича жавобгарлик ташкилот зиммасига юклатилади.)

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар мавжудлиги;

Техник топширик;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Электрон танлов таклифининг техник ва нарх қисми бўйича буюрмачининг товарларга (ишларга хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисимни ахамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Электрон танлов ҳужжатларида балларнинг бошлангич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон танловдан четлатилади.

Электрон танлов таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахасислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси тўғрисидаги маълумот ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд ҳамда танловларда қатнашиш ҳуқуқидан эга бўлмаган корхоналар.

3.5. Танлов иштирокчилари –танлов предметининг лойиҳа хужжатлари (бажариладиган ишлар ) юзасидан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши юзасидан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши лозим.

4.3. танлов хужжатларида илова қилиниши лозим бўлган хужжатлар электрон (PDF) кўринишидага шакилда бириктириш талаб этилади:

-Таклифнинг техник қисмида, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматларни аниқ кўрсатилиши;

-Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқлаб сканер қилинган ҳолда (PDF) электрон кўринишдаги файлни бириктириш лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

- УШБУ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТАЛАБЛАР БЎЙИЧА ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН ТАҚДИРДА ТАКЛИФЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ ВА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб деб топилган иштирокчи қонунчиликда белгиланган тартибда буюртмачи билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома имзолайди.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 (уч) кун олдин қарор қабул қилишга ҳақлидир. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида 10 (ўн) кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида буюртмачи, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

7.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бажарувчи:



Х.И.Ҳамдамов